

## **ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИННИГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ**



10.24412/2181-1784-2021-1-619-626

**Алмардонов Отабек Кудратович**

Ўзбекистон Миллий университети тарих факультети “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” кафедраси ўқитувчи, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Миллатлааро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси бош мутахассиси

**Аннотация.** Мураккаб ва кўпқиррали замонавий шароитларда халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириши ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади. Бунда замонавий глобаллашган дунёда муаммоли вазиятлардан чиқшининг энг муҳим усулларидан бири халқ дипломатияси ҳисобланади.

Мустақилликнинг илк йилларидан Ўзбекистон халқ дипломатияси давлат ташқи сиёсатининг етакчи сиёсий институтларидан бири сифатида замонавий мезонлар асосида шаклланиб ва тадрижий равишда ривожланиб, мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрни ва обрўсига эга бўлиши учун салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг Хитой билан ҳамкорлик алоқаларида ҳалқ дипломатиясининг ўрни масаласини илмий жиҳатдан ўрганиши муҳим аҳамиятга эга.

Мақолада Ўзбекистоннинг Хитой билан халқ дипломатияси алоқалари тарихи даврларга бўлиниб таҳлил қилинган. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожланиши ва туризмни равнақ топишсида халқ дипломатиясининг ҳам салмоқли ўрни борлиги даиллар билан келтириб ўтилган.

**Калим сўзлар:** халқ дипломатияси, ҳамкорлик, иқтисодий алоқалар, туризм.

**Annotation.** Strengthening and developing international relations in a complex and multifaceted modern environment is extremely important. At the same time, in the modern globalized world, one of the most important ways out of problem situations is public diplomacy.

*Since the first years of independence, the public diplomacy of Uzbekistan, as one of the leading political institutions of the state's foreign policy, has been formed and gradually developed on the basis of modern criteria, making a significant contribution to strengthening the country's place and prestige in the international community.*

*In this regard, it is important to scientifically study the role of public diplomacy in cooperation between Uzbekistan and China.*

*The article analyzes the history of public diplomacy relations between Uzbekistan and China. It has been argued that public diplomacy also plays an important role in the development of economic ties between the two countries and the development of tourism.*

**Keywords:** public diplomacy, cooperation, economic relations, tourism.

Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги халқ дипломатияси муносабатлари узоқ тарихий илдизларга эга. Тарих сахифаларида халқлар ўртасида савдо, илмий ва гуманитар алоқалар узоқ вақтдан бери ўрнатилгани, маданият, санъат, урф-одатлар бир-бирини қандай бойитганининг мисолларини кўплаб учратиш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги халқ дипломатияси алоқаларининг тарихий ривожланиш динамикасини 9 та даврга бўлган ҳолда таҳлил қилиш мумкин.



Ушбу диаграммадан шуни кўриш мумкинки, икки халқ ўртасидаги ўзаро халқ дипломатияси алоқалари тарихнинг барча даврларида ҳам бир хил

кечмаган. Хусусан, Энг қадимги даврда бошланган ўзаро алоқалар Буюк Ипак йўли даври ва Илк ўрта асрлар даврида ривожланиб бориб, Темурийлар даврида ўзининг юқори чўққисига чиққан бўлса, ундан кейинги даврларда ўзаро алоқалар сустлашиб, фақат 20 аср бошларида яна ўсиш бошланиб, 20 аср ўрталарида анча фаоллашган. Аммо, 20 аср 70 йилларида собиқ Иттифоқ ва Хитой ўртасида сиёсий алоқаларнинг бузилиши ўзбек-хитой алоқаларига ҳам салбий таъсир қўрсатган. Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши халқ дипломатияси алоқаларида мутлақо янги ривожланиш даврини бошлаб берди.

Ўзбеклар ва хитойлар ўртасидаги дўстлик ришталари чуқур тарихий илдизларга эга эканлиги Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги яхши қўшничиликни янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам асосдир.

Хар қандай мамлакат фуқароларининг фаровонлиги юқори иқтисодий қўрсаткичларга асосланади. Иқтисодиётнинг таркибий қисмларидан бири бу савдо, шу жумладан қўшни ва хорижий мамлакатлар билан импорт ва экспорт операцияларидир. Ва бу операциялар бошқа мамлакатлардаги шериклари ва ҳамкаслари билан алоқаси бўлган аниқ шахслар томонидан амалга оширилиши эса халқ дипломатиясининг муҳим тармоғи бўлган иқтисодий дипломатиянинг кўринишидир. Бу инсонлар ўртасидаги алоқалар қанчалик яқин бўлса, ташқи савдо айланмаси, товарлар ва хизматлар алмашинуви шунчалик самарали бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитой муваффақиятли маданий ва иқтисодий шерик давлатлардир. Замонавий шароитда иқтисодий дипломатия нафақат илмий тадқиқотлар обьекти сифатида, балки давлат ва нодавлат иштирокчилари томонидан олиб бориладиган фаолият сифатида ҳам кўриб чиқилмоқда. Хусусан, 2011 йилда “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳукуматлараро битимга мувофиқ ўзаро савдо-сотиқ соҳасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинди. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида 1016 та ўзбек-хитой қўшма корхоналари фаолият қўрсатмоқда. Натижада, Хитой бозорига ташрифлар натижасида 200 миллион долларлик минтақавий аҳамиятга молик ўзбек товарлари экспорт қилинди. Ўзбекистонда Хитой тадбиркорлари иштирокида ташкил этилган бу каби қўшма корхоналар ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳал этишга муайян ҳисса қўшиб, икки мамлакат халқ дипломатиясининг муҳим таянчига айланиб бормоқда.

Хитой томонидан илгари сурилаётган “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси Хитой президенти Си Цзинпин томонидан 2013 йилда таклиф қилинган ривожланиш стратегияси бўлиб, Хитой Халқ Республикасини икки йўл билан

Евросиё минтақасига боғлашни мақсад қилган: “Ипак йўли иқтисодий макони” ва “21 аср Денгиз ипак йўли”. Унга жалб этилган давлатларнинг иқтисодий тараққиёти, турли цивилизациялар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, тинчлик ва дўстликни ривожланишига кўмаклашишни кўзда тутади.

Ташаббуснинг қуйидаги бешта устувор йўналишлари мавжуд:

Чора-тадбирлар координацияси (*policy coordination*);

Инфраструктура боғланиши (*infrastructure connectivity*);

Тўсқинликсиз савдо (*unimpeded trade*);

Молиявий интеграция (*financial integration*);

Инсонларни бир-бири билан боғлаш (connecting people).

Ушбу лойиха доирасида икки мамлакат халқлари манфаатларига тўлиқ жавоб берадиган тенг шериклик муносабатларини янада такомиллаштиришда Ўзбекистон – Хитойнинг кенг жамоатчилиги, тадқиқот институтлари ва ОАВлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса “Бир макон, бир йўл” ташаббусида Ўзбекистоннинг нафақат иқтисодий-сиёсий, балки маданий-гуманитар, фан-таълим, ижтимоий соҳалардаги ҳамкорлик нуқтаи назардан иштирок этишига яққол мисол.

2018 йилда Тошкентда “Тараққиёт стратегияси” маркази ва Хитой халқ дипломатияси ассоциацияси ҳамкорлигига ўтказилган “Бир макон, бир йўл: Ўзбекистон ва Хитой тадқиқот институтлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасида мулоқот” мавзусида халқаро симпозиумнинг Ўзбекистон ва Хитой жамоатчилиги ўртасида алоқаларда аҳамияти катта бўлди.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси ҳақида қанча мунозара қилинмасин, унинг фойда тарафларини ҳеч ким инкор эта олмайди. Ўзбекистоннинг ушбу ташаббусдаги фаол иштироки мантиқан тўғри. Бироқ, БМБЙ доирасидаги ҳар бир лойиҳанинг қандай амалга оширилишига қараб манфий натижалар юзага чиқиши эҳтимоли ҳам етарлича. Буларни олдини олиш учун «Ипак йўли» туризми ва темир йўл лойиҳалари каби ташабbusлар билан Ўзбекистон томони Хитой билан муваффақиятли дипломатик алоқани давом эттириши, ҳолат Хитойнинг биз билан бир томонлама монологи эмас, балки диалог шаклида олиб борилиши лозим.

Туризм биринчи навбатда халқлар ўртасидаги муносабатлардир. Мамлакатимиз тарихан кўп миллатли бўлиб, асрлар давомида турли этник гурухларнинг бағрикенг ва тинч-тотув яшashi ғояси шаклланган ва

мустаҳкамланган, бу эса мамлакатга кўплаб сайёхларни жалб қилиш имконини беради.

1999 йилда “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ва Хитой Халқ Республикаси Миллий туризм маъмурияти ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ва “China International Touristic Service” компанияси билан ҳамкорлик битимлари икки мамлакат ўртасидаги туризм соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги “Aviatur”, “Avto Olami”, “Jannat oromi”, “Mika Planet”, “Nafosat Tur”, “Planeta Tur”, “Sport Tur” каби йирик туристик фирмалар Ўзбекистон сайёхларини Хитой билан яқиндан таништиришда самарали фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти “China Outbound Travel & Tourism Market-2013” (апрель, Пекин) ҳамда “WTF – 2013” (май, Шанхай), “ITB China 2018” II халқаро сайёхлик кўргазмасида (Шанхай, 2018 йил 15-17 май) халқаро профессионал туризм ярмаркаларида кенг намойиш этилди. 2018 йил март ойида Шанхайдаги сайёхлик саноатини ривожлантиришдаги энг яхши ютуқлари учун, Хитойнинг “Travel and Leisure” журналининг 16-йиллик тақдирлаш маросимида Ўзбекистон “туризм учун энг яхши жой” номинацияси ғолиби деб эълон қилинди.

Хитойнинг “CCTV-7” телеканалида намойиш этилган ўзбек миллий ошхонасига бағишлиланган ҳужжатли фильмни томоша қилганлар 150 миллион нафарни ташкил этганлиги хитойликларнинг ўзбек гастродипломатиясига қизиқиши катта эканлигини билдиради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда сайёхлик соҳасининг жадал ривожланиши кузатилмоқда. 2018 йил охирида 32,4 минг Хитой фуқароси Ўзбекистонга ташриф буюрди (+ 27%, 2017 йилда - 25,5 минг киши).

Бугунги кунда туристик соҳаси иқтисодий ривожланишининг тизимли драйвери саналади. Туризм саноатида тажриба ва илғор амалиёт билан алмашиниш мақсадида 2018 йилда Самарқандда ташкил этилган “Буюк Ипак йўли” халқаро туризм университети майдонидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хитойда таҳсил олаётган Йўлчибой Каласов, Бобур Неков, Юлия Тен, Шахзод Очилов, Раҳим Баҳромов, Тимур Хидаев, Равшан Турғунов, Абдулатиф Юнусов, Дилшод Батиев, Одилжон Атабаев каби юзлаб ўзбекистонлик талаба ёшлар Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини хорижда

кенг тарғиб қилишда фаоллик кўрсатиб келишмоқда. Хусусан, 2019 йилда Пекин технологиялар институтида ўтказилган “Халқаро маданият куни” тадбири доирасида Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти тарғиб этилди.

Сўнги йилларда Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти халқаро рейтингларда сезиларли даражада юқорилаб бўраётганини жаҳон оммавий ахборот воситаларида мамлакат номининг тез-тез қайд этилиши ҳам тасдиқлайди.

Хусусан, 2017 йилда Хитойда нашр этиладиган “Diplomat Magazine” журнали, “Psearcher” ноширлик компаниясининг веб-саҳифаси ҳамда “Travel and Leisure” журналида Ўзбекистон - саёҳат учун энг яхши жой этиб қайд этилгани хитойликларга ижобий таъсир кўрсатиб, юртимизга ташриф буоришлирга катта қизиқиш уйғотмокда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги турли даражаларни қамраб олган бугунги муносабатлар очиқликка ва ишончли мулоқотга асослангани билан изоҳланади. Барча соҳалардаги икки томонлама алоқаларнинг барқарор ўсувланилиги ҳисобга олинадиган бўлса, шуни тўла ишонч билан қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги халқ дипломатияси алоқалари ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада чуқурлашишига ҳамда янги мазмун билан бойишига хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар янги имкониятлар ва кенг истиқболга эга. Халқ дипломатияси давлат муносабатларини ривожлантириш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистонда синологлар (хитойшунос) етишмаслиги туфайли илмий ҳамда оммабоп нашрларда Хитой ҳакида таҳлилий мақолалар жуда кам. Ваҳоланки, Ўзбекистон-Хитой вектори мамлакатимиз иқтисодиёти учун тобора катта аҳамият касб этмоқда ва ҳамкор Хитой Халқ Республикаси ҳакида етарлича маълумотга эга бўлишни талаб қиласди. Ҳозирда Хитойда Марказий Осиё давлатларини ўрганувчи 20 тадқиқот институтлари, университет факультетлари ва кафедралар ўз фаолиятини юритмоқда. Бироқ, Ўзбекистонда бу каби ишларни самарали деб бўлмайди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисида” хукуматлараро битим <http://uzbekistonovozi.uz>

2. ЎзРВМ ММХМДАҚ ЖА) //Осиё ва Тинч океани мамлакатлари билан алоқалар бўлими “Хитой” жилдининг ўзбек-хитой муносабатлари. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик. 6 варак.
3. Umirdinov A. Nagoya iqtisodiyot universiteti (Yaponiya), Biznes huquqi fakulteti professori, «Buyuk kelajak» ekspertlar kengashi a'zosi. // Xitoy nimani istayapti? «Bir makon, bir yo'l» loyihasidan umidlar va xavotirlar <https://kun.uz>.
4. Shavkat Mirziyoyev Bir makon, bir yo'l xalqaro forumida nutq so'zladi <https://aza.uz/oz/posts/shavkat-mirziyoyev-bir-makon-bir-yo-l-xalqaro-forumida-nutq--15-05-2017>
5. O'zbekiston – Xitoy tadqiqot institutlari hamkorlikni mustahkamlaydi. <https://kknews.uz/oz/24503.html>
6. Нуруллаева Ш.Ф. Развитие сотрудничества между Узбекистаном и Китаем через призму укрепления культурно-гуманитарных основ взаимопонимания между народами двух стран: история и современность //. // [www.isrs.uz](http://www.isrs.uz)
7. “Ўзбектуризм” МК ЖА. – Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумот. 1 – варак.
8. O'zaro ishonch va manfaatdorlik – strategik sheriklikning asosiy tamoyillari <https://aza.uz/oz/posts/o-zaro-ishonch-va-manfaatdorlik-strategik-sheriklikning-asos>
9. Хитойнинг Пекин шаҳрида ватандошларимиз томонидан Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти тарғиб этилди <https://uzbektourism.uz>.
10. Xitoyning-psearcher-nashri-xalqaro-maqom-san-ati-anjumani-haqida <http://uzbekistan-geneva.ch/.html>
11. Nasirova, S. A. (2020). CONCEPTS OF 中国 梦想" CHINESE DREAM" AND 美 命运 共同" COMMUNITY OF THE ONE FATE OF HUMANITY"-A LINGUISTIC AREA. *Journal of Central Asian Social Studies*, 1(01), 05-14.
12. Хашимова, С. (2019). On some features of teaching foreign language for students of non-philological areas at the initial stage. *Евразийское Научное Объединение*, (1-6), 334-338.
13. Mirzakhmedova, K. V. (2021). Comparative Analysis of General Words-Terms In Persian and Uzbek Languages. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 1050-1056.
14. Omonov, Q. S. (2019). THE WAYS OF OFFICIALISATION OF THE DOCUMENTS AND THE PROBLEM OF LEGITIMIZATION OF THE TEXT. *Научные вести*, (7), 43-51.

- 
15. Abdullaevna, N. S. (2020). Lexical-semantic and cognitive specifics of political discourse (based on si jinping's speeches). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1086-1092.
  16. Abdullayevna, H. S. (2020). Peculiarities of the formation of animated non-significant using suffixing in the modern chinese language. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1504-1511.
  17. Nadira, K. (2017). The problem in translation from Japanese to Uzbek in the novel " A Wild Sheep Chase"-Focusing on Politeness. *Literary Imagination*, 19(3), 760-771